



ЖИНОЯТЛАРНИ ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ

Хамидова Махбуба

ТДЮУ хузуридаги Академик

лицей доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7572329>

ARTICLE INFO

Received: 16th January 2023

Accepted: 25th January 2023

Online: 26th January 2023

KEY WORDS

Жиноят, жазо, жавобгарлик, айб, декриминализация, криминализация, жиноий-хуқуқий, хуқуқбузарлик, ислохотлар, ижтимоий хавфлилик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноятларни декриминализация қилиш тушунчаси, унинг аҳамиятига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тез суръатларда ривожланиб бориши натижасида қилмишлар шахс, жамият, давлат учун хавфли деб топилиб криминализация ёки, аксинча, муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга эмаслиги аниқлангач, қонун чиқарувчи томонидан декриминализация қилиниши мумкинлиги борасида ҳам фикр ва мулоҳазалар берилган.

Мамлакатимизда ҳам жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, жиноят-хуқуқий нормаларни кўллаш амалиётини яхшилаш, жиноятчиликка қарши курашиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида одиллик, инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришга катта эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018 – 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилишимиз ва амалга оширишимиз зарур”¹, деган ғояларни илгари суришди. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепцияси қабул қилинди. Унга кўра, жиноят қонунчилигининг янада либераллаштириш ҳамда алоҳида тоифадаги жиноятларни жиноий юрисдикциядан чиқариш каби масалалар муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. <https://uza.uz/uz/>.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳамда айрим турдаги қилмишларни декриминализация қилиш институтига оид чуқур изланиш ва тадқиқот олиб борилишини талаб қилади.

Ҳуқуқий ислохотлар жараёнида жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда юридик фаннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади².

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, либераллаштириш ва жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш сиёсати амалга оширалаётган даврда жиноятларни декриминализация қилишни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши зарур бўлган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, жамиятнинг барча соҳаларини либераллаштириш, модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тез суръатларда ривожланиб бориши натижасида қилмишлар шахс, жамият, давлат учун ҳавфли деб топилиб криминализация ёки, аксинча, муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга эмаслиги аниқлангач, қонун чиқарувчи томонидан декриминализация қилиниши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, жиноятларни декриминализация қилиш масаласига тўхталиб ўтишдан олдин, жиноятларни декриминализация қилиш тушунчасини атрофлича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Юридик адабиётларда жиноий-ҳуқуқий тизим ҳақида турли хил талқинлар мавжуд³. Жиноий-ҳуқуқий сиёсат жиноят қонунчилигининг мазмун моҳиятини, унинг тамойилларини, жиноятларни декриминализация қилиш, криминализация қилиш, жазони белгилаш, жазодан озод қилиш ва бошқа бир қатор муҳим масалаларини ўз ичига олади.

Жиноят қонунчилигида жиноятларни декриминализация ва криминализация қилиш мураккаб жараён ҳисобланади. Декриминализация кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўзида мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараённи акс эттиради⁴. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи органдан бошқа ҳеч кайси давлат идораси маълум бир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ҳуқуқбузарлик деб, ёки аксинча ҳуқуқбузарлик эмас, деб эътироф этиш ваколатига эга эмас.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, бир қатор олимлар ўртасида қилмишни декриминализация қилиш билан боғлиқ икки хил ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашув, қилмишни декриминализация қилишни кенг маънода, иккинчи ёндашув эса тор маънода тушуниш билан боғлиқдир. Хусусан, бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар декриминализация ва криминализация жараёни натижасига қарама-қарши бўлиб,

²Исломов З.М. Ҳуқуқий сиёсатнинг шаклланиши ва амалга оширилишида юридик фаннинг аҳамияти. // «Ҳуқуқ-Право-Law». 2003, – №3 (23). – С. 9-6.

³Митюкова Ю.А. Роль и значение уголовной политики в декриминализации общественно опасных деяний // Человек: преступление и наказание. Рязань: Акад. ФСИН России. 2012. – № 1 (76). – С. 59–61.

⁴Б.Хидоятлов. Жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси. 2 (2017). – Б.109.



илгари жамият учун хавфли ва жиноят деб топилган у ёки бу қилмишлар учун жиноий жавобгарликни истисно қилиш ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг умумий асослари ва шартларини аниқлаш⁵, деб фикр билдирган бўлишса, Е.В.Епифанованинг фикрича, декриминализациялаш – бу давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда жамият учун ўзининг хавфлилик даражасини йўқотган хатти-ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини тан олишдир⁶.

Шу ўринда ҳуқуқшунос олимлар Қ.Р.Абдурасулова, Н.С.Салаев, Д.Ю.Каракетоваларнинг таъбири билан айтганда, “депенализация декриминализациянинг узвий давоми эмас. Чунки декриминализация қилмишнинг жиноийлигини (демакки, унинг жазога сазоворлигини ҳам) бутунлай бекор қилишда ифодалангани, яъни декриминализация бу маънода ўзига хосликка эга. Депенализация эса жазо турларининг жазолаш имкониятининг камайтирилиши томон ўзгартирилишида, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги муайян жиноятлар учун санкция ҳажмининг пасайтирилишида намоён бўлади”⁷, деган фикрларига қўшиламан. Негаки, декриминализация қилмишга нисбатан жиноий жазони истисно этса, депенализация эса жиноятлар учун белгиланган жазонинг камайтирилиши демакдир.

Иккинчи ёндашув қилмишни декриминализация қилиш тушунчасини тор маънода тушуниш билан боғлиқ бўлиб, А.П.Фильченконинг фикрича, “юридик адабиётларда жиноятларни декриминализация қилиш моҳиятининг умумий белгиларига ишора йўқ, яъни муаллаифлар декриминализацияни илгари жиноий деб топилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш деган умумий ёндашувлар билан чекланадилар⁸. Шундай бўлсада, Декриминализация атамаси - қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деган маънони англатса-да, унинг асл мазмун-моҳиятини ушбу кичик жумла билан тўлиқ ифодалаб бўлмайди⁹.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, криминализация қилмишнинг ижтимоий хавфли деб топилиши ва жиноий жазога сазоворлиги десак, декриминализация эса қилмишнинг ижтимоий хавфли эмас деб топилиши ҳамда жиноий жазога сазоворлигини бекор қилиш демакдир. Ҳуқуқшунос олимларнинг қайд этишича, жиноий қилмишларни декриминализация қилишнинг икки тури мавжуд. Жумладан, Н.С.Салаевнинг таъкидлашича, декриминализациянинг нисбий ва мутлақ тури мавжуд бўлиб, нисбий декриминализация муайян қилмишни жиноятлар

⁵Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2005. – 34-6.

⁶Епифанова Е.В. России необходима концепция уголовно-правовой политики // Российская юстиция. 2008. – № 4. – С. 18–24.

⁷Абдурасулова К.Р, Салаев Н.С, Каракетова Д.Ю. Иқтисодий соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография. – Т: Noshir, 2014. – Б. 9.

⁸ Фильченко А.П. Возникновение, смягчение и прекращение уголовной ответственности (проблемы отраслевого и межотраслевого согласования). М., 2014. С. 236-237.

⁹Рустамбоев М.Х, Абдурасулова Қ.Р, Ахраров Б.Ж. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Концепцияси ва доктринасини ривожлантириш муаммолари. Монография. – Т: ТДЮИ нашриёти, 2011. – Б.89.



қаторидан чиқариш учун тўлиқ шарт-шароит юзага келмаган тақдирда амалга оширилади¹⁰. Унинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун қўшимча белгининг киритилиши. Масалан, қилмишни жиноят деб топишда айбнинг муайян шакли (тўғри қасд) мавжудлиги, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқиши, зарар етказилиши билан боғланиши;
- маъмурий преюдициянинг белгиланиши (маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга нисбатан илгари худди шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасида белгилаб қўйилганлиги тушунилади);
- қилмишни жиноят деб топишни оғирроқ оқибатнинг рўй бериши билан боғлаш;
- жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси кам бўлган жиноятлар тоифасига ўзқозиш:
- қилмишнинг квалификациясига бевосита таъсир этувчи, жиноят қонунида белгиланган муайян миқдор кўрсаткичларининг ўзгартирилиши (пасайтирилиши)¹¹.

Мутлақ декриминализация деганда, муайян қилмишнинг жиноятлар қаторидан тўлиқ, яъни бутунлай чиқариб ташланиши тушунилади. Бундай ҳолларда жиноят қонунида жавобгарлик белгиланган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини ифодаловчи муайян турдаги белгилар (жиноят таркиби) ижтимоий зарурат туфайли мутлақ бекор қилинади.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш”, деб номланган 224-моддасининг Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-579-сонли Қонунига асосан ўз кучини йўқотганлигини келтириб ўтиш мумкин. Яъни, бундай ҳуқуқбузарликлар содир этилса, жиноий жавобгарлик сифатида эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиши белгиланди.

Зеро, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, ҳуқуқбузарлик сифатида, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 225-моддасида белгилаб берилди. Шунингдек, мутлақ декриминализацияга **Жиноят** кодексининг 187-моддасини мисол қилиб келтириб ўтишимиз мумкин. “Харидор ёки буюртмачиларни алдаш” деб номланган мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сон Қонунига асосан Жиноят кодексидан чиқарилди.

Шунингдек, жиноят ҳуқуқи фанида жиноятларни декриминализация қилиш, жараён сифатида бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, А.В.Наумовнинг фикрича, декриминализация худди криминализация жараёнига ўхшаш бўлиб, буларнинг барчаси жиноий ҳуқуқбузарликлар билан бевосита боғлиқ.

¹⁰ Абдурасулова К.Р., Салаев Н.С., Каракетова Д.Ю. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни декриминализация қилиш муаммолари. Монография. – Т: Noshir, 2014. – Б.10.

¹¹ Жиноятларни квалификация қилиш - бу содир этилган қилмиш белгилари билан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига тўлиқ мос келишини аниқлаш ва юридик жиҳатдан мустаҳкамлашдир (Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарелик / Р. Кабулов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2014. – Б. 824)



Шунингдек, айрим ҳаракатларни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракатлар рўйхатидан чиқариб ташлаш, яъни ушбу қилмишларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни бекор қилишдир¹².

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг жиноятларни декриминализация қилиш жиноят қонунчилиги билан белгилаб қўйилган жиноий қилмишларни қайта малакаланиш орқали уларни маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тоифасига ўтказишдир¹³, деган фикрларига қўшилаемиз. Бу каби амалиётни мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ҳам учратишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ф.Ражабовнинг қайд этишича, декриминализация турларига суд-тергов декриминализациясини ҳам қўшиш лозим. Суд-тергов декриминализациясини амалга ошириш имконияти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 65-моддаси 1-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ ишни тергов қилиш ва судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Мисол тариқасида ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи Жиноят кодекси 66-моддасини келтириш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, декриминализациянинг мазкур тури фақат ишни тергов қилиш ва судда кўриш пайтида қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганида, яъни содир этилган муайян қилмишга нисбатан суд-тергов органининг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарори билан қўлланилади. Ушбу ҳолатда жиноят қонунида қилмишнинг жиноийлиги ўзгармасдан қолади¹⁴.

Бундан ташқари, Г.А.Русановнинг таъбири билан айтганда, жиноятларни декриминализация қилиш орқали ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жазони камайтириш, жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг либераллаштирилишида намоён бўлади¹⁵.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида ўзининг ижтимоий хавфлилик даражини йўқотган қилмишларни жиноят қонунчилигидан чиқариш ёки бошқа ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказиш ҳолатларида “жиноят кодексидан чиқарилган” атамасидан фойдаланилади. Ҳозирги жиноий-ҳуқуқий жараёнлар ривожланаётган бир даврда мамлакатимиз жиноят кодексида “декриминализация” ва “криминализация” атамаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган 8-бўлимида

¹²Наумов А.В. Российское уголовное право: курс лекций. Т. 1. Общая часть. – М.: Юрид. Лит., 2004. – С. 161.

¹³ Баринаова Л.В., Мартыненко Н.Э., Ревин В.П. Словарь терминов и схем по курсам : «Уголовная политика и ее реализация в деятельности органов внутренних дел» и «Организация профилактической деятельности органов внутренних дел». – М., 2006, – С. 6; Уголовное право России. Общая часть. Особенная часть. – С. 73.

¹⁴Ражабов Ф. Декриминализация - инсон ҳуқуқлари демакдир. Мақола. // Ҳуқуқ ва бурч. uz/uz/view/.

¹⁵Русанов Г.А. Политика либерализации уголовного законодательства в экономической сфере и проблемы пределов уголовно-правового воздействия государства на экономику // Российская юстиция. 2011. – № 3. – С. 59–61.



“декриминализация” ва “криминализация” атамалари маъносини тушунтириб ўтиш лозим.

Жиноятларни декриминализация қилишни юқоридаги каби алоҳида турларга ажратган, шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини атрофлича таҳлил этган ҳолда таҳлил қилиш, жиноят қонунини қўллаш амалиётида декриминализация институтини қўллашда учраётган хато ва камчиликларнинг олди олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юридик адабиётларда жиноятларни декриминализация қилиш тушунчаси билан боғлиқ турли ҳил ёндашувлар мавжуд. Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар жиноятларни декриминализация қилиш тушунчасини ёритишда бир-биридан турли хил таърифларни беришмоқда. Бундан ташқари, айрим тадқиқот ишларида “депенализация” тушунчасини “декриминализация” тушунчасининг мантиқий давоми сифатида эътироф этилиш ҳолатларини ҳам учратишимиз мумкин.